

---

## ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Октябрь ойида ўтказилган асосий фанлар олимпиадаси иккинчи босқичида туманимиз ёшлари яна бир бор ўз билимларини синовдан ўтказишди.

Бугун туман халқ таълими бўлимида ХТБ мудирини Фозилжон Йўлдашев, туман прокурорини ўринбосарини Муҳиддин Джурабоев иштирокида олимпиада ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Бунда жами бўлиб 111 нафар ўқувчилар асосий фан олимпиадаларининг учинчи (вилоят) босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритган. Барча ғолиблар туман халқ таълими бўлимининг Ташаккурномалари билан тақдирландилар.

3-10 ноябрь кунлари фан олимпиадаларининг учинчи босқичида иштирок этадиган барча ўқувчиларимизга омад ёр бўлсин!

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2022-11-02 08:44:59